

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТДА ҚОНУНИЙЛИК ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Муратаев Серикбек Алпамисович

*ТДЮУ “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси мудири, юридик фанлар
номзоди*

Ўткир Исломов

ТДЮУ қошидаги академик лицей ҳуқуқ фани ўқитувчиси

Ҳар қандай демократик ислохотларнинг самараси, тинчлик ҳамда тараққиётимизнинг асосий гарови ҳам айнан шу омил билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, «Конституция ва қонун устуворлиги — фаровон ҳаёт гарови» деган тушунча одамлар онгу шууридан чуқур ўрин эгаллаши ва ижтимоий эҳтиёжга айланиши йўлида меҳнат қилинмоқда. Зеро, машҳур инглиз файласуфи, социологи ҳамда ҳуқуқшуноси Иеремия Бентам айтганидек, халқ ўрганиб қолган конституция энг яхшисидир. Энг аввало, қонунларнинг ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонунбузарликларнинг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга, бундай ҳолатларни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш чоралари кўрилаётир. Шу мақсадда қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари қабул қилинмоқда. Буларнинг барчасидан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қартилган ҳуқуқий ислохотлардир.

Масалан, “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги Қонунни мисол тариқасида келтириш мумкин. Мазкур ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамиятга тегишли вазифаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг таъсирчан механизмини яратишимизда ҳуқуқий асос бўлди. Натижада қатор тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Эътиборлиси, яқингача давлат-хусусий шериклик борасида оқсаб турган айрим тармоқлар, хусусан, соғлиқни сақлаш ва таълим йўналишларида бу борада олға силжишлар кўзга ташланмоқда. Шу билан бир қаторда, айрим қонун бузилиши ҳолатлари ҳам кузатилмоқдаки, бу парламент, ҳукумат, Олий суд ҳамда бошқа идоралардан қонунлар ижросини таъминлашнинг самарали механизмларини янада кучайтиришни талаб этади.

Дарҳақиқат, одамларимиз энди кечаги одамлар эмас, улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади, муҳокамаларда эса қандай фикр ёки таклифни илгари суришни ўзлаштирамоқда. Шу ўринда халқимиз уйғоқлигини ифодалайдиган яна бир мисол

ёдга тушди: ўтган йили жойларда дарахтларни оммавий равишда кесиш кучайиб кетганида одамлар кескин норозилик билдирган, шунга кўра, дарахтларни сабабсиз кесишга қарши мораторий эълон қилинган эди. Шунинг ўзиёқ халқ, яъни жамоатчилик фикри қандай катта кучга, таъсирга эга эканлигини очиқ кўрсатиб турибди. «Жамоатчилик назорати» дегани фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назоратгина эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлгани боис ҳам уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ҳамда транспорт соҳаларида ҳам йўлга қўйиш айти зарурат. Қолаверса, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ҳамда хизматлар сифати бўйича ҳам доимий жамоатчилик назорати ўрнатилса, ишларимиз олға силжишини тушуниш унчалик қийин эмас. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг ўрни салмоқли. Шу боис ОАВни чинакам “жамият кўзгуси”га айлантириш йўлида жиддий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, сўнги йилларда амалга оширилган сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар туфайли жамият ҳаётида туб бурилиш юз берди. Бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга, интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришдан ташқари, жойлардаги хато ва камчиликларни рўйирост кўрсатиб, уларни ўз вақтида бартараф этишга кўмак бермоқда.

Аммо бу борада ҳам қилинадиган ишлар кўп. Масалан, давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиқлик ҳамда ошкоралик тамойилини кучайтириш мақсадида фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашимиз талаб этилади. Ўзимизнинг фаолиятимиз билан боғлаб айтадиган бўлсак, соҳанинг ҳуқуқий асосини бугуннинг талабидан келиб чиқиб такомиллаштиришимиз зарур.

Қабул қилинаётган қонунлар олиб бораётган ислохотларимизга мос ва уйғун бўлган тақдирдагина кўзлаган мақсадларимизга эришамиз. Бу, биз сўз юритаётган масаланинг навбатдаги муҳим шарт ҳисобланади. Яъни ҳозир амалда бўлган, аммо замон талабларига мос келмайдиган қонунларни такомиллаштиришимиз, шунингдек, қонунларни ижро этиш механизмларини аниқ тизим асосида яратишимиз бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Шу ўринда охириги йилларда мамлакатимиз парламенти ҳам замонга мос ҳолда янгиланганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Хусусан, қонун ижодкорлигига янгича ёндашилмоқда. Халқ вакиллари жойларга бориб, мавжуд вазиятни ўрганаётир, одамлар фикри билан қизиқмоқда ва шундан кейингина олинган фикрларни жамлаган ҳолда янги қонунлар устида ишлашяпти. Амалдаги қонунларнинг эскирган ёки ҳаётдан узоқ меъёрлари ҳам шу мезон асосида такомиллаштирилаётир. Натижада қонунларимиз халқ дарду ташвиши ҳамда орзу-

интилишларини ўзида мужассам этган ҳужжатлар сифатида жамият ҳаётига татбиқ этилмоқда. Зеро, қонун ишлаши учун у, аввало, халқ манфаатларига хизмат қилиши лозим.

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг галдаги шarti, бу аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ.

Эътиборли жихати, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар ва биз эришаётган ютуқларимизда, албатта, мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси ҳуқуқий асос бўлмоқда. Хусусан, Бош қомусимизнинг 7-моддасида: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир», деб белгиланган бўлиб, бугун бу манба тўла ишга туширилди. Аниқ айтадиган бўлсак, янги Ўзбекистоннинг олий ижтимоий мўлжали — Конституциямизда акс эттирилган моҳиятан эзгу ҳамда инсонпарвар мазмунини ҳаётга жорий қилишда яққол намоён бўлмоқда. Бу улғу ҳаракат, аввало, одамларнинг яратувчанлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон капитали имкониятидан самарали фойдаланишга қаратилган саъй-ҳаракатларда намоён бўляпти, десак, айна ҳақиқат.

Зеро, юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсатнинг асосий мақсади ҳам аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароит ҳамда қулайликларни яратишдан иборатдир.

Эътиборлиси, ҳозирги шароитда аҳолини қўллаб-қувватлаш, турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларимиз, бир зумга бўлсин, тўхтаб қолгани йўқ, аксинча тобора кенг қамров ҳосил қилиб бормоқда. Умуман, бугун эришаётган ютуқларимиз, давлатимизнинг халқаро майдонда ташлаётган ҳар бир қадами, ички сиёсатдаги туб ўзгаришлар, тинч ва осуда ҳаётимиз, мамлакатимиз ривожига ҳамда халқимиз фаровонлигини ўйлаб қабул қилинган Конституциямизнинг 22-моддасида белгиланганидек,

“Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди”.

Демак, қабул қилинаётган Фармон, қарор ва қонунларга Бош қомусимиз — Конституциямизда белгилаб берилган инсонпарварлик тамойиллари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳуқуқий давлат ҳақида гапирганда, энг аввал шуни унутмаслик керакки, ҳуқуқий давлатда қонунчилик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши лозим. Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини эса одил судловсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш судлар зиммасига юклатилган. Шунинг учун ҳам судларнинг мустақил, холис ва адолатли фаолият юритишига алоҳида эътибор қаратилади. Конституциямизда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади, деб қатъий белгилаб қўйилган. Сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш

билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини берди.

Шу билан бирга “Янги Ўзбекистон – янги суд” тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида 2023 йил 16 январь куни : “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонда қайд этилганидек, стратегия доирасида қуйидагилар одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари этиб белгиланган:

“Инсон қадрини учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;

адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш;

фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш;

судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш вазифалари судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришига ишонамиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Конституцияси. <https://lex.uz/docs/>
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фаромони.2023 й 16 январь. <https://uza.uz/uz/posts/odil-sudlovga-erishish-imkoniyatlarini-yanada-kengaytirish>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. – 2022 йил 20 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси.// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон